

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси мониторинги натижаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.** Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқа тегишли вазирлик ҳамда идоралар ходимлари, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасалари вакиллари иштирок этди.

● **Тошкентда Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржанинг биринчи босқичи давом этмоқда.** Унда мамлакатимиз саноатининг етакчи тармоқлари ва кичик бизнес корхоналари ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш секторлари бўйича намойиш этмоқда.

● **Сингапурда академик эшак эшиш бўйича давом этаётган Осиё кубоги мусобақасининг биринчи босқичида қитъамизнинг йигирмадан зиёд мамлакатидан келган спортчилар қаторида ҳамюртларимиз ҳам ғолиблик учун куч синашмоқда.** Катталар ўртасида Сергей Тянь, Ефим Кузнецов, Дамир Наурзалиев ва Александр Дидрихдан иборат жамоамиз тўртликлар беллашуварларида 1000 ва 2000 метрлик пойгаларда маррага биринчи келиб, бир жуфт олтин медални қўлга киритди.

● **Фарғона шаҳрида Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги мусика ва драма театрида «Ниҳол» мукофоти учун республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.**

● **Мамлакатимиз ёшлари ўртасида ўтказилаётган «Келажак овози» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.** Жорий йилда танловнинг Оролбўйи шаҳар ва туман босқичларида 4 минг 400 нафардан ортик ёш истеъдод эгалари иштирок этди.

**ЖАҲОНДА**

● **Берлинда оммавий қаршилик акциялари пайтида полициячиларга қаратиб отилган аниқланмаган воситанинг портлаши натижасида пойтахт полициясининг 15 нафар ходими жароҳатланган.** Айрим тахминларга кўра, портлатувчи восита сулҳ радикаллари томонидан отилган.

● **Японияда Иккинчи жаҳон урушига оид денгиз тубидаги мина хавфсизланган.** Мина 15 метр чуқурликда аниқланган.

● **АҚШ Оклахома штатида кучли ёмғирлар туфайли тошқин юзага келган.** Ёмғир сувлари ер ости иншоотларига ҳам кириб бориш хавфи бор.

● **Шанхайда 1993 йилдан бери анъанавий ўтказиб келинаётган халқаро кинофестивал давом этмоқда.** Асосий соврин учун 81 та мамлакатдан турли жанрдаги 2327 кинотасма ижодкорлари беллашмоқда. Бу — мазкур доирадаги тадбир тарихида энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

● **Юрмалада келинчаклар ёғдуси бўлиб ўтди.** Латвиянинг турли минтақаларидан ушбу анъанавий байрамга 150 дан зиёд келинчак ташриф буюрди.

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 116 (11.677)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Тошкент ахборот технологиялари университетида битирувчиларга магистр унвонини топшириш маросими бўлиб ўтди.** Бугунги кунда университетдаги 4 та факультетда магистратура бўлими мавжуд бўлиб, бу ерда магистрларнинг замон талаблари асосида билим олиши ва илмий фаолият олиб бориши учун барча имкониятлар яратилган. Айни пайтда катта фондга эга бўлган ахборот-ресурс

маркази, виртуал лаборатория ишлари ва маъруза матнлари билан бойитилган электрон кутубхона магистрлар хизматида, шунингдек, интернет тизимидан кенг фойдаланиш ҳам йўлга қўйилган. Университет магистрлари хорижий мамлакатларнинг олий ўқув юртларида ўз мутахассислиги бўйича малака ошириш имкониятига ҳам эга. СУРАТДА: тадбирдан лавҳа. Асқар Ёқубов (ЎЗА) олган сурат

**Мамлакатимизда хорижий тадбиркорларнинг самарали фаолият юритиши учун яратилган қулай шарт-шароит ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.**

### ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЯДИ

Ўзбекистон ва Жанубий Корея тадбиркорлари ўртасидаги алоқалар йил сайин кенгаймоқда. Корея Республикаси таълим ва иқтисодиёт вазири Чой Кёнг Хван бошчилигидаги ишбилармон доиралар вакилларининг Ўзбекистонга ташрифи бунинг яққол далилидир. Мазкур ташриф доирасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Жанубий Кореянинг оптика ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш маркази ҳамкорлигида икки мамлакат тадбиркорлари музокаралари шаклида кооперацион биржа ташкил этилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Жанубий Кореянинг оптика ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш маркази ўртасида имзоланган англашув меморандуми ушбу воқеага асос бўлиб хизмат қилади. Делегация таркибига Жанубий Кореянинг 11 компанияси раҳбар ҳамда вакиллари кирган. Улар орасида "Chun Woo global eyewear", "Covis optic", "World trend" каби контакт ва оптик линзалар, оптик ва қўшдан химояловчи кўзойнақлар ишлаб чиқарадиган етакчи компаниялар вакиллари бор.

Музокараларда икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш ва оптика ишлаб чиқариш бўйича қўлма корхоналарни ташкил этиш имкониятлари муҳокама қилинди. (ЎЗА)

**Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини яхшилаш ҳисобидан ички ва ташқи бозорда уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, меҳнат самарадорлигини ошириш муҳим вазифалар сифатида белгиланган.**

### Фармон ва ижро

#### «ТЕЖАМКОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ» ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони ушбу мақсадларга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Германиянинг "Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорликка қўмаклашиш" техник ҳамкорлик дастури ва БМТ Ривожланиш дастурининг "Ўзбекистон бизнес форуми" лойиҳаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни бошқариш "Кайдзен" ("Тежамкор ишлаб чиқариш") тизими бўйича бизнес-маслаҳатчилар тайёрлашга киришди. (Давоми 2-бетда).

**Сўнгги кунларда Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида босқинчи тўдалар томонидан содир этилган хунрезлик, қотиллик, зўравонлик, қирғин, ўт қўйиш каби қабиҳ ишлар ҳар қандай кишининг қаҳр-ғазабини кўзга ётди. Бундай вазиятда лоқайд бўлиш, бефарқ қараб туриш асло мумкин эмас. Бу офатдан жабр кўрган Қирғизистоннинг фуқароси бўлган ўзбек миллатига мансуб минглаб кишилар Ўзбекистондан ёрдам сўраб келди.**

Андижон вилоятининг Қирғизистон билан чегарадош туманларида жабрдийдаларга ёрдам кўрсатадиган лагерлар ташкил этилди. Мамлакатимизнинг давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан жабрланганларга ёрдам кўрсатилмоқда, айниқса аёллар ва болаларга зарур шарт-шароит яратилаётди. ЎЗА мухбири мазкур туманларда бўлиб, қирғизистонлик қочқинлар, шунингдек, маҳаллий аҳоли вакиллари билан суҳбат-лашди. — Биз Ўзбекистон халқи ва Президентдан жуда миннатдоримиз, — дейди ўшлик Насиба Мамрижонова. — Ўш шаҳрида тинч аҳолига, хусусан биз, ўзбек миллатига мансуб кишиларга қаратилган қотиллик ва хунрезликлардан қалбимиз қаттиқ жароҳатланди. Кўз олдинда уйингга ўт қўйилса, қондошларинг отиб ташланса, жуда огир бўлар экан. — Дўст кулфатда билинади, деган пурмаёно мақол бор. Бошимизга мусибат тушганида бизга бағрини очган, дардимизга шерик бўлган Ўзбекистон ха-

лқидан беҳад миннатдоримиз, — дейди жалолободлик Муҳаббат Солимова. — Бу ерда шифокорлар соғлиғимизни назорат қилиб турибди. Озиқ-овқат, кийим-кечак — барча зарур нарсалар етарли.

сонпарварлик тамойиллари устуворлигини яна бир бор кўрсатади, — дейди 82 ёшли отахон Раимжон Алижонов. — Бундай кунларни душманимизга ҳам раво кўрмаймиз, —

## ДЎСТ БОШГА КУЛФАТ ТУШГАНДА БИЛИНАДИ

Маҳалла фаоллари, оддий одамларнинг ҳолимиздан хабар олиб тургани бизга далда бўлмоқда. Осида ҳаётимизга раҳна солган, қотиллик, хунрезликларни уюштирганлар тез кунларда ўз жазосини олади, деган умиддамиз. — Ушда содир бўлган қирғин-баротлардан сўнг тинчликнинг қадрини янада чуқурроқ тушуниб етдик. Уйларнинг ёнаётгани, тинч аҳолига нисбатан ваҳшийликлар, болаларнинг кўзидаги кўркүк барчамизни даҳшатга солди. Ана шундай огир кунда бизга Ўзбекистон катта ёрдам бераётгани бу мамлакатда ин-

дейди аравонлик Ражабали Мирзааҳмедов. — Ўзбек-қирғиз азалдан бир ариқдан сув ичган қондош халқ. Ана шу дўстликка раҳна солмоқчи бўлган бузғунчи кучлар ўзларининг ғаразли ниятларига ета олмаслиги аниқ. Оғир кунларда кексаларни, аёллар ва болаларни бағрига олиб, бошпана бергани учун ўзбек халқидан миннатдоримиз. — Ўш шаҳридаги масжидда жума куни ўзбек миллатига мансуб бир неча отахонни отиб ташлашди, — дейди Маҳаммаджон Эгамбердиев. — Уйлар ёқиб юборилди. Биз ёрдам сўраб Ўзбе-

кстонга келдик. Бизни бағрига олгани ва шарт-шароит яратиб бергани учун Ўзбекистон Президентига минг раҳмат. — Ўзбек ва қирғиз халқи азалдан бирга яшаб келмоқда, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Андижон вилояти Хўжаобод тумани бўлими раиси Каримжон Усмонов. — Ғаламислар ҳеч қачон бу абадий дўстликка путур етказмайдими. Қўшимининг бошига оғир кун тушганда қараб туролмаймиз. Чунки қирғизнинг уйига кирган мусибат — бу авва-

йиғини маслаҳатчиси Арофатхон Қурбонова. — Миллатларимиз ўртасига ниҳоқ солмоқчи бўлганлар ниётига етолмайди. Бунинг учун кўпуровчиларнинг, четдан туриб гиж-гижлаётганларнинг гапига кирмаслик, оғир-вазминлик билан, оқибатини ўйлаб иш кўрмоқ керак. — Айни кунларда малакали шифокорларни жалб этган ҳолда ярадорларга, жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда, — дейди Андижон вилояти кўп тармоқли шифохонаси бош врач Абдуғани Йўлдошев. — Шифохоналарда барча шароит яратилган. Дори-дармонлар етарли. Бугун бошига мусибат тушган минг-миң одамларга кўрсатилган ёрдам қондош-жондош бўлган дўстларга берилётган ёрдамдир. Ҳа, икки қардош халқ ўртасидаги азалий дўстликка ҳеч ким раҳна соллолмайди. Ўш ва Жалолободда қанча қон тўкилса, бу аввало қирғиз ва ўзбек халқи душманларининг тегиримонига сув қуяди, бунга сира чидаб бўлмайди. Халқимиз «Қўшининг тинч — сен тинч» деган мақолга ҳаммиша амал қилиб келган. Шундай экан, биз Қирғизистондаги вазият тезроқ изга тушиб, у ердаги кўп миллатли аҳоли тинч, осойишта ҳаёт кечириши тарафдоримиз. **М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА махсус мухбири**

**ҚИСҚА САТРЛАРДА**  
Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКISTON** маданияти ва санъати форуми жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилаётган «Келажак овози — 2010» кўрик-танловининг пойтахт босқичи якунланди.

✓ **«БАРКАМОЛ** авлод — буюк келажак» мавзусидаги илмий-амалий анжуман Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида бўлиб ўтди. Унда болалар спортини ривожлантиришнинг ташкилий, илмий, услубий асослари хусусида сўз борди.

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳар агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг олтинчи ҳисобот сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

✓ **«СОҒЛОМ** турмуш тарзи — келажак пойдевори» — ушбу мавзуга бағишланган анжуман Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги томонидан бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда уюштирилди. Тадбирга таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари тақриф этилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Deutsche Kabel AG Tashkent" очик акциядорлик жамияти корхонаси базасида трениннинг якунловчи босқичи бўлиб ўтди ва унда тизимни жорий этиш якунлари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон тадбиркорларини ишлаб чиқаришни бошқариш "Кайдээн" тизимининг замонавий услублари билан таништириш дастури 2009 йилнинг октябридан амалга оширила бошланган. Бу давр ичида ташкил этилган иккита семинарда 50 саноат ишлаб чиқариш корхонасидан 80 дан ортиқ мутахассис

иштирок этди, 6 корхонада эса тежамкор ишлаб чиқариш принциплари синов тариқасида жорий этилди.

Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов дастур вақт, пул маблағлари ва материаллар сарфини қисқартириш ҳисобидан маҳсулот таннархини камайитириш, шунингдек, тошлар ва хизматларнинг сифатини ошириш, маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш каби аниқ мақ-

садларга йўналтирилганини таъкидлади. "Deutsche Kabel AG Tashkent" очик акциядорлик жамияти 2006 йил 22 июнда қабул қилинган Маҳаллийлаштириш дастурини бажариш бўйича етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. Унинг негизини бизнес-маслаҳатчиларни тайёрлаш бўйича дастлабки икки ҳафталик сессия ташкил этилди.

Тренинг иштирокчилари мазкур корхона, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва консал-

тинг компаниялари ходимлари орасидан танлов асосида саралаб олинган. Таълим дастури базавий корхоналардаги назарий сессиялар ва мустақил амалий ишларни ўз ичига олади.

"Deutsche Kabel AG Tashkent" очик акциядорлик жамияти директорлар кенгаши раиси Улугбек Исмоилов ушбу дастур корхонанинг иккита ишлаб чиқариш майдончасида жорий этилганини қайд этди. Таълим давомида компа-

ния мутахассислари шунга ишонч ҳосил қилдики, бир корхона мисолидагина тежамкор ишлаб чиқариш тизими йилига 340 миллион сўм маблағни тежаш, маҳсулот таннархини 20 фоизга камайитириш ҳамда технологик жараёни уч барабар қисқартириш имконини беради.

Тренинг якунлангач, унинг иштирокчилари мустақил равишда мамлакатнинг бошқа ҳудудларида "Кайдээн" бошқарув тизими принципларини жорий этиш бўйича консалтинг хизматлари кўрсатиши мумкин.

Меҳрибон МАМЕТОВА, ЎЗА мухбири

## «ТЕЖАМКОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ» ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

## Жамоат ташкилотларида ИШЛАР САРҲИСОБИ

Меҳнат жамоалари манфаатини ҳимоя қилишда касаба уюшмаларининг алоҳида ўрни бор.

Шаҳар савдо, матлубот кооперация-сўм сарфланган бўлса, 2010 йилга

си ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмасининг кейинги йиллардаги фаолиятига бағишланган конференциясида бунга яна бир бор амин бўлди.

Анжуманда таъкидланганидек, касаба уюшмалари томонидан меҳнат жамоаларининг иш ва дам олиш шароитларини янада яхшилаш, ишчи-хизматчиларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, спортга кенг жалб этиш бўйича муайян ишлар қилинди. Тармоқ корхона ва ташкилотларида қабул қилинган жамоа шар-



Анжумандан лавҳа. Қозим Ўлмасов олган сурат.

тномалари асосида ҳар бир ходимга ўрта ҳисобда 2005 йилда 34 минг

келиб бу кўрсаткич 147,6 минг сўмни ташкил этган. Ўтган йиллар-

да қабул қилинган Давлат дастурлари доирасида корхона ва ташкилотларга қўшимча тўловлар ва имтиёзлар бериш учун тавсиялар берилди.

Касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизликни таъминлаш масалаларидаги иштироки ҳам муҳим аҳамият касб этади. Деярли 4,4 мингдан зиёд ишчи-ходим даволаниши ва дам олиши учун 652,4 миллион сўм сарфланган. Соғломлаштириш оромгоҳларида 4,6 минг бола дам олган. Жисмоний тарбия ва спорт ишлари янада жонлантирилди, кенгаш вакиллари шаҳар касаба уюшмалари бирлашмасининг «Саломатлик» спартакиадаси голиб ва совриндорлари бўлди.

Тадбирда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш борасида иш берувчилар масъулиятини ошириш, корхоналарда яратилаётган янги иш ўринларига айниқса меҳнат бозорига ўз ўрнини топа олмаётган фуқароларни жалб этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАҚда махсус маълумотнома сайтини яратишга киришилди. Ушбу лойиҳа Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти магистранти Раъно Маҳмудованинг диплом иши асосида амалга оширилмоқда.

## МАХСУС МАЪЛУМОТНОМА САЙТИ

Кўп функция ва чиройли дизайнга эга бўладиган мазкур сайтга мамлакатимиз темир йўл харитаси киритилади. Ҳар бир вилоят номи остига мўъжазгина тугма ўрнатилди. Тугма босилганда, аниқ вилоятга тегишли бекат, қатнайдиган поездларнинг ҳаракат жадвали, вақти, йўлқира нархлари, ҳаракат вақти ва кун, нархлар ўзгарган тақдирда, маълумотлар автоматик равишда алмашади, шунингдек, худуддаги йўл корхоналарига оид батафсил маълумотлар намоён бўлади. Ҳар бир маълумот тезкорлик ва аниқлик билан ёритиб борилади.

Садриддин ДОНАБОВ

## 2010 йил — Баркамол авлод йили

### ҲУҚУҚИЙ ЕТУКЛИК САРИ

Ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўғил-қизларнинг етуқ инсонлар бўлиб вояга етиши учун юртимизда зарур шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ва изчил ишлар юртимиздаги ҳар бир фарзанднинг камолотига хизмат қилаётир. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи ҳам алоҳида эътиборда.

"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун ушбу соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмининг такомиллаштириш йўли билан болаларни, шу жумладан, ота-она қарамоғидан маҳрум болаларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш самарадорлигини янада оширди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан пойтахтимизда мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари иштирокида "Ҳуқуқий етуқлик — баркамоллик омили" мавзусида ташкил этилган учрашувда шу ҳақда гап борди. Тадбирда ёшларнинг ҳуқуқлари билан бир қаторда амал қилиш зарур бўлган бурч ва масъулиятлари ҳақида ҳам сўз юритилди. Турли зарарли одатлар, жумладан, гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби иллатлардан доимо огоҳ бўлиш, бунда эътибор қаратиш зарур жиҳатлар ҳаётий мисоллар орқали тушунтирилди.

(ЎЗА)

## Семинарлар

### АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

«Ўзстандарт» агентлиги Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан Мирзо Улугбек тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда тадбиркорлик субъектлари манфаатини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган семинар-йиғилиш ўтказилди.

Тадбирда Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси, туман солиқ инспекцияси, бандликка қўмақлашувчи марказ вакиллари ва тадбиркорлар иштирок этди.

Семинарда таъкидланганидек, Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар изчил ва тизимли амалга оширилиши натижасида республикадаги каби, пойтахтимиз иқтисодиётида ҳам кўзланган кўрсаткичларга эришилиб келинмоқда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишлари ҳам жаддаллашиб бораётир.

«Ўзстандарт» агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдухамид Абдуқодиров ушбу йўналишда Мирзо Улугбек туманида амалга оширилаётган сай-ҳаракатлар хусусида алоҳида тўхталиб, корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтириш, бу борада тармоқ дастурларида изчилликка эришиш муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

Семинар-йиғилишда туман бандликка қўмақлашувчи марказ фаолияти мисолида аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган тадбирлар самараси устида ҳам тўхталиб ўтилди. Айниқса касаначиликни янада ривожлантиришда йирик субъектлар қаторида кичик корхоналар ҳам салмоқли ҳисса қўшаётгани, бу борада имкониятлар қўламини кенгайтириш лозимлиги таъкидланди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

## Китоб жавонига

### ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ МУҚОБИЛИ БИЛАН

Сўнги йилларда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси бўйича қатор луғатлар чоп этилди. Улар орасида «Мобил алоқа тизимларига оид атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати» айниқса ажралиб туради.

«Уникон.Ўз» давлат шўъба корхонаси мутахассислари самарали изланиши натижаси ўлароқ босмага тайёрланган бу луғат алифбо тартибда жойлашган 1000 га яқин сўз ва иборани ўз ичига олган.

Унда рус ва ўзбек тилларидаги атама ва таърифларнинг инглиз тилидаги муқобиллари ҳам ифодаланган.

Янги нашр соҳа ходимлари, ўқитувчи, аспирант ва талабаларга фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Анвар ВАЛИЕВ

## Ёшлар — келажакимиз

### БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Тошкент давлат аграр университетиде 2009-2010 ўқув йилида бакалавр ва магистратура йўналишида таҳсил олаётган битирувчиларни ишга жалб қилиш бўйича «Битирувчи-2010» ярмаркаси ўтказилди.

Тадбирда Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ва вазирлик тизимидаги бошқарма, корхона, ташкилотлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ходимлари ҳамда битирувчи-ёшлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

— Жорий ўқув йилида бакалавр йўналишини 1056 нафар талаба тамомлапти, — деди «Туркистон-пресс» мухбирига университетнинг маркетинг бўлими бошлиғи Дониёр Қаршиев. — Ярмарка баҳона 337 нафар давлат гранти ва 679 нафар шартнома асосида таҳсил олаётган битирувчи мамлакатимиздаги кишлоқ ҳўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳалари бўйича иш

билан таъминланди. Талабалар турли вилоятлардаги касб-хунар коллежларига агромуҳандис ва агрономия касб таълими йўналиши бўйича ўқитувчи-педагог бўлиб фаолият юритиш учун ҳам йўлланма олишди. Бундай тадбирлардан кўзланётган мақсад эса кишлоқ ҳўжалиги, саноат, сервис хизмат кўрсатиш ҳамда олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бўш иш ўринларини аниқлаш, иқтидорли ёшларни касбий ва илмий тадқиқот ишларига кенгроқ жалб қилиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шароитлар яратиш ҳамда юқори малакали мутахассисларни кўпайтиришдир.

Азима ҚИЁСОВА

Истеъмолчилар ҳақидаги қонунчиликнинг асосий тушунчаларига тўхталиб, «мувофиқлик сертификати» ва «товар (иш, хизмат)нинг нуқсонини» шарҳлаб ўтамиз. Мувофиқлик сертификати — сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат. Товарнинг нуқсонини — бу товар ва меъёрий ҳужжатларнинг мажбурий талабларга, шартнома шартларига ёхуд товарларнинг сифатига одатда қўйиладиган талабларга номувофиқлигидир.

Куйида истеъмолчилар ҳуқуқларининг айрим ҳоллардаги бузилиши ва унинг олдини олиш йўлида олиб борилган чора-тадбирлар ҳақида маълумот бериб ўтилади.

Юнусобод тумани, 19-

ни, 17-18-марказ мавзеларида истиқомат қилувчи истеъмолчилар номидан 13-уй, 117-хонадонда яшовчи Т.Акимованинг аризасида юқори қаватларга хизмат қилувчи лифтинг баъзида носоз қолиши ва бунинг оқибатидаги нуқ-

муружаат қилган. Ҳозирда ушбу масала 295-телефон тармоқлари бўлими билан ҳамкорликда ҳал этилган.

\*\*\*

Ҳамаза тумани, Себзор кўчаси, 30-уйда яшовчи Ш.Мақсудова Автосозлар шаҳарчаси худуди-

## Истеъмолчилар ҳуқуқи — қонун ҳимоясида ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

мавзе, 7-уй, 114-хонадонда истиқомат қилувчи Д.Убайдуллаева «Lulu» супермаркетидан 7.000 сўмлик қизил икра маҳсулотини харид қилган. Мазкур маҳсулот ўзининг сифат кафолатини оқлай олмагани учун истеъмолчиға етказилган моддий зарар ундириб берилди.

Мирзо Улугбек туманида яшовчи Д.Тешабоева «Чиноз балиғи» қаҳвахонаси фаолиятидаги айрим ҳолатлар юзасидан муружаат қилган. Ҳозирда миждоз ва хизмат кўрсатувчи ўртасидаги келишмовчиликлар бартараф этилиб, таомнома ҳам амалдаги қонунчилик талабларига монанд тузилиб чиқилган.

\*\*\*

Собир Раҳимов тумани, 17-18-марказ мавзеларида истиқомат қилувчи истеъмолчилар номидан 13-уй, 117-хонадонда яшовчи Т.Акимованинг аризасида юқори қаватларга хизмат қилувчи лифтинг баъзида носоз қолиши ва бунинг оқибатидаги нуқ-

даги буюм бозоридан 120000 сўмлик аёллар кўйлагини сотиб олган. Мазкур буюм сифатсизлиги бос худудий бирлашма томонидан қонунчилик доирасида маслаҳат берилди.

Учтепа тумани, Чилонзор 23-мавзе, 32-уй, 29-хонадонда истиқомат қилувчи Р.Ибодов «Cassies service» масъулиятли чекланган жамиятига қарашли савдо дўконидан «Sino-304» русумидаги музлатгич харид қилган. Товар сифат кафолатини оқлай олгани бос таъмирлаб берилган.

\*\*\*

Бектемир тумани, Сувчи даҳаси, 34-уй, 153-хонадонда яшовчи Н.Камидовская уй телефони-нинг уч ҳафтадан бери ишламаётгани юзасидан

Яккасарой туманида истиқомат қилувчи И.Кенеди тилла тақинчоқнинг кўзини алмаштириш юзасидан муружаат қилган. Ҳозирда истеъмолчи талаби тўлиқ қондирилган.

Миробод тумани, Қўйлик 4-мавзе, 50-уй, 35-хонадонда яшовчи И.Корнековнинг «ROISON» русумидаги телевизори ишламаётгани юзасидан муружаати «ROISON-servis» хусусий корхонаси билан ҳамкорликда ҳал этилди.

\*\*\*

Хидирали ПАНЖИЕВ тайёрлади

Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика ўқувчилар саройи, Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази ҳамкорлигида «Йилнинг энг яхши тўғарак раҳбари» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

## ЭНГ ЯХШИ ТЎГАРАК РАҲБАРИ

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган ушбу кўрик-танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мактабдан ташқари таълим маканларининг педагоглари иштирок этди.

Болаларга пухта таълим-тарбия бериш, уларнинг турли фанлар ва соҳалар бўйича кўникмаларини бойитиш ва мустаҳкамлаш, ёшларнинг бўш вақтини ўшғри ва самарали ташкил этиш, уларнинг ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-хунарга йўналтириш борасида мактаб-

дан ташқари таълим муассасаларининг ўрни ва аҳамияти катта.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида умумий ўрта таълим мактаблари билан бирга болалар бадий, техник ижодиёт, ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослик, экология йўналишидаги марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларни зарур жиждоз ва усқуналар билан таъминлаш, тўғаракларга юқори малакали педагоглр ва мутахассисларни жалб этиш, уларнинг касб маҳоратини ошириш, меҳнатини эъозлаш юзаси-

дан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бугун юртимиздаги мавжуд 563 мактабдан ташқари таълим масканида ўғил-қизлар турли тўғаракларда фан, бадиий ижодиёт сирларини ўрганмоқда.

«Йилнинг энг яхши тўғарак раҳбари» республика кўрик-танловидан кўзланган асосий мақсад — юртимиздаги барча тўғарак раҳбарларининг ижодий ташаббускорлиги ва изланишини қўллаб-қувватлаш, илгор иш тажрибасини оммалаштиришдан иборат.

Назokat УСМОНОВА

# САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Тиббиёт масканларида

## ХАЛҚ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

**Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив ёшдаги хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор бўлмоқда.**

Соғлом оилани шакллантириш, ёшларни турмушга тайёрлаш, аёллар ва ўсмирлар саломатлигини доимий назорат қилиш, тиббий кўришни ўз вақтида ўтказиш борасида Миробод туманидаги 1-оилавий поликлиникада ҳам изчил ишлар олиб борилаётган.

— Оила шифокори тизими орқали аҳоли ўртасида профилактика ва даволаш муолажаларини ўз вақтида олиб бориш, тиббий-ижтимоий муҳофазалашга қаратилган лойиҳалар татбиқ этиб келинаётган, — дейди бош шифокор Мухаррам Абдуназарова. — Шифо-

корларимиз 37,5 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Улар ўзига бириктирилган оилалар билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради. Президентимизнинг «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш соғлом бола туғилиши ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорларидан келиб чиққан ҳолда 14 та маҳаллада тиббий кўрик ишлари офталмолог, отоларинголог,



невропатолог, эндокринолог, ортопед, травматолог, жарроҳ, гинеколог сингари тор мутахассислар иштирокида тизимли йўлга қўйилган. Ушбу жараёнда аниқланган касалликларни бартараф этиш ва беморларни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, оилада тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳам асосий вазифаларимиз доирасига кириди. Шу мақсадда таълим масканлари ва маҳаллаларда малакали мутахассислар иштирокида доимий учрашувлар, мулоқот ва давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Бундай тадбирларда иштирокчиларга турли хил хасталикларнинг олдини олишда аввало

санитария-гигиена қоидалари ва соғлом турмуш тарзи талабларига риоя этиш, спорт билан шуғулланиш зарурлиги, ўсмир қизларни турмушга тайёрлаш, тиббий кўриқнинг аҳамияти ҳақида батафсил маълумотлар берилаётган. Бугунги кунда аср вабосига айланган гифтандлик, ичкилик-бозлик ва ОИТСнинг оқибатлари тушунтирилмоқда.

Мутахассис таъкидлаб ўтганидек, бу каби тадбирлар албатта аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга, соғлом авлодни вояга етказишга хизмат қилади.

**Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА:** поликлиника бош шифокори Мухаррам Абдуназарова мутахассислар билан галдаги муолажа натижаларини муҳокама қилмоқда

### Соғлом она — соғлом бола

## ОИЛА ҚУРИШГА ТАЙЁРСИЗ?

**Жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом йигит-қизнинг турмуш қураётганини кўриш қувончли ҳол. Янги оила албатта никоҳ билан мустаҳкамланади.**

Бугунги кунда оилада соғлом мухитни қарор топтиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорлари, Вазирилар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Никоҳдан ўтувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги Қарорлар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани бунга ёрқин мисолдир. Бу меъърий ҳужжатларда белгиланган вазифалар эр ва хотин муносабатлари, оила, фарзандлар истиқболли билан чамбарчас десақ, муболага бўлмайди.

Никоҳга кирган иккала жинс вақилининг балоғатга етганлиги жуда муҳим, шу билан бирга уларда муомала лаёқати шаклланиши бўлиши лозим. Йигит ва қизда оиланинг соғломлиги, тўқиллиги, рўзғори бут бўлиши, муомала лаёқатининг тўлиқ шаклланиши учун эса вақт керак. Муомала лаёқати шахснинг вояга етганлигини билдиради. Вояга етганлик барча манбаларда 18 ёш деб эътироф этилади. Муомала лаёқатлилик ҳам шу ёш билан боғлиқ ҳолда кўрсатилади.

Оила аталмиш муқаддас кўрган энг аввало икки ёш ўртасида расман қайд этилган никоҳ орқали бунёд бўлади. Бугунча биз олиб борган тадқиқотларда асосан оилавий келишмовчиликлар, оилавий низолар никоҳ ёши билан боғлиқлиги исботланяпти. Ажриларнинг 80 фоизга яқинида йигитларнинг ёши фарқланмоқда, қизларнинг никоҳ ёши эса нисбатан кичик эканлиги маълум бўлаётган.

Кейинги пайтда 18-21 ёш орасида ажраётган қизларнинг сони ортиб бораётганлиги кишини хавотирга солади. Демак, бу эрта турмушга уза тилаётган қизлар кўпаяётганидан далолат. Ёш турмушга чиққан қизларнинг оиласидан тез ажралиб кетиши юзасидан ўтказилган сўровларда бошқа уйда ўз ўрнини тополмаганлиги, оиланинг баъзи мураккабликларига мослаша олмаганилиги, мурося деган тушунчаларга маънавий жиҳатдан тайёр эмаслиги сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизнинг Бош қонуни — Конституцияда икки жинс вақилининг тенг ҳуқуқли эканлиги белгилаб қўйилган. Оила йили деб эълон қилинган 1998 йилда Оила кодекси қабул қилинди. Мазкур ҳужжат оила институтини тақомиллаштириш ва мустаҳкамлашда

муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Оила кодексининг 15-моддасида никоҳ ёши йигитлар учун 18, қизлар учун 17 ёш сифатида қайд этилди. Бу модданинг киритилишида жуда кўп олимларнинг илмий-амалий қарашлари, қолаверса, жамоатчиликнинг ҳам фикр-мулоҳазалари инобатга олинган. Никоҳ ёшини белгилашда Шарқ менталитети, асрий удумлар, кўп фарзандлик, оилалар аънаванлари инобатга олинган. Психологик тадқиқот ва кузатишларда 17 ёш билан 18 ёш ўртасидаги фарқ катта эканлиги аниқланди. 17 ёшда барибир болаликка хос қарашлар сақланиб қолганлиги билинади. 18 ёшда эса мустақил шахс эканлигини сезиш ҳисси шаклланади, балоғат ёшига нафақат физиологик жиҳатдан, балки ақлий, руҳий томондан ҳам етилади.

Хали ҳаётда пиймаган, ақлий салоҳияти етилмаган қизларни келин қилишни истаганлар, афсуски, йўқ эмас. Уларнинг нияти аввало, ёш келинни уйдаги барча таомилларга бўйсундириши. «Ёш қизни келин қилсам, ҳамма айтганларимни сўзсиз бажаради», деб уйлашади. «16-17 ёшли қизга уйлансам, менинг ҳам, онамнинг ҳам айтганларини қилади», дейдиган йигитлар ҳам кам эмас. Лекин улар бу ёлғончи тасаввур эканлигини англамайди. Фақат маълум вақт ўтган ёш келинчакнинг ўқувсизлиги, тажрибасизлиги, балким, ақлсизлиги ҳам кўзга ташланади. Шунда қайнона бошқа келин қилишни, йигит бошқасига уйланишни истаб қолади. Бундай оилалардаги низолар нимадан ва қаредан келиб чиқади? Сабаблари қаранг: нима эмиш — келиннинг қўли бемаза, боласи эса соғлом туғилмаган... Бундай оилада келин соғлом бола туғолмайди ҳам. Чунки тиббиётда туғиш ёшининг энг мақбули 20-29 деб қабул қилинган. Тўғри, 18-19 ёшда етилиб, соғлом фарзанд кўриш имкониятига эга соғлом қизлар ҳам бор. Лекин, афсуски, уларнинг сони жуда кам. Ёш қизни келин қилиб, унга гамхўр бўлиш ўрнига, бироз вақт ўтган ота-онасиникига жўнатиб юборётган қайноналар ҳам йўқ эмас. Бундай ҳолатлар қиз боланинг нафақат маънавий, ҳатто жисмоний жиҳатдан ҳам оилавий ҳаётга тайёр эмаслигини кўрсатади.

Бугунги кунда кўпчилик сепли келиндан, эпли келин яхши экан, ўқигани, оқ-қорани ажратгани, оила билан боғлиқ билимларини билиши ниҳоятда зарур экан, деган аниқ бир тўхтама қелмоқда. Қолаверса, ёшларнинг ўзида ҳам никоҳга бўлган муносабат, никоҳ ёшини белгилаш борасида қарашлар ўзгарган. Олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг аксарияти юқори курсда ёки ўқини тугатгандан кейин турмуш қуришни маъқулламақда.

**Нурулла ТОХИТДИНОВ, Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи**

## НАФИС ЧИЗГИЛАР, ШОИРОНА ОҲАНГ...

**Ўзбекистон Бадий академиясида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчи ва талабаларнинг асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди.**

ШХТ мамлакатлари саммити доирасида ўтган тадбирда юздан зиёд рассомларнинг икки юзга яқин асарлари намойиш этилди.

Тадбирда айниқса талабалар изланишлари юксак баҳоланди. Уларнинг аксарият асарларида юртимизнинг гўзал табиати, осмонўпар тоғлар, шошқин дарё ва кўллар, тарихий шаҳарлар, меҳри дарё инсонлар моҳирона тасвирланган.

— Кўргазмадан катта таассурот олдим, — деди хитойлик рассом Ма Вей. — Нафис чизгилар, шоирона оҳанг ва санъатга нисбатан нозик ёндошув киши руҳиятига янгилик олиб киргандай бўлади. Назаримда, ҳақиқий рассомнинг истеъдоди ҳам шунда.

Шунингдек, институт битирувчиларининг малакавий ишларига ҳам кўргазмада алоҳида ўрин ажратилган. Хорижий меҳмонларимизда Б. Обидов, Й. Турсунназаров, Э. Мансуров, М. Жалолов, И. Маҳмудовларнинг ишлари катта қизиқиш уйғотди.

«Туркистон-пресс»

## БОЛАЛАРГА ТАБАССУМ БАХШ ЭТИНГ

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлар маркази - «UNICON.UZ» давлат унитар корхонаси касаба уюшмалари қўмитаси вакиллари М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиали талабалари билан ҳамкорликда «Болаларга табассум бахш этинг» деб номланган тадбир ўтказди.**

Ушбу марказнинг муҳандис ва олимлари олий ўқув юрти талабалари билан биргаликда аънавий хайрия тадбирларини ўтказиб келмоқда. Жорий йилдан бошлаб марказ жамоаси Юнусобод туманидаги 31-Меҳрибонлик уйини ўз васийлигига олишга қарор қилди. Улар болаларга унутилмас қувонч ҳадя этди. Талабалар томонидан болалар иштирокида қувонч ўйинлар ва мусиқали чизиқларни ўз ичига олган махсус дастур тайёрланди. Болалар «Бременлик мусиқачилар» мультфильмидаги қўшиқни жўр бўлиб куйлашди, инглиз тилида янграган қўшиқларни тинглашди, рубоб ва гитарада жонли ижро этилган куйлар уларга манзур бўлди. Ёш томошабинлар мусиқий қишлар орасида топшмоқлар топиб, ҳайвонларни тасвирлади, пантомима ўйинида иштирок этди ва рақсга тушди. Болалар тадбирда фаол иштирок этиб, ўз жамоаларини қўллаб-қувватлади, бир сўз билан айтганда, вақтини чоғ ўтказди.

Бундан ташқари, болалар учун байрам дастурхони ҳам ташкил этилди. Уларга компьютер, турли ўйинчоқлар ва футбол тўплари соғвга қилинди.

Меҳрибонлик уйида бу каби учрашувларнинг ўтказилиши катталарга болажонлар тарбияси учун ўз маъсулиятини яна бир бор теран ҳис қилиш, уларни маънавий қўллаб-қувватлашда юксак инсоний фазилатларини намойиш этиш имконини беради.

Бугунги кунда мазкур Меҳрибонлик уйида 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган 115 нафар бола тарбияланмоқда. Уларнинг кўпчилиги яқин орада пойтахтимиздаги 9-касб-хунар коллежиде ўқийди, ўғил болалар чилангар ва пайвандчи, қизлар эса ошпаз ва тикувчи касбларига эга бўлади.

**В.НИКОЛАЕВ, ЎЗА муҳбири**

**Умрим бино бўлиб шифохонада даволанган эмасман. Касал ҳам бўлмаганман. Шунинг учунми, шифокорлик касбини унчалик эътиборли деб ҳисобламас эдим. Бироқ... Таассуфлар бўлсинки, ноҳақ эканман. Шифокорлик инсон ҳаёти учун сув ва ҳаводек зарур бир касб экан. Ҳаётимизни, жамяят тараққийини тиббиётсиз тасаввур ҳам этиб бўлмас экан. Камина бун яқинда, муолажаси дунёдаги барча тиббиёт олимларини ўйлантириб келаятган қанд касалига мубтало бўлганимда англаб етдим.**


Одатдаги кунлардан бирида ўзим истиқомат қилаётган Яққасарой тумани марказий поликлиникаси бош шифокори Саидмурод Исмомиллов хузурига бордим. Йил танитишувдангунга меҳрим тушди. Одамнинг нафақат вужудини, ҳатто қалбини ҳам муолажа этишга қодир, ширинсухан, ўз ишининг фидойиси бўлган бу киши билан танишган, тиббиёт ҳодимлари ҳақидаги тасаввурларим нақадар чала эканини билдим. Она юртимиз Ўзбекистонда тиб илми нечоғлик улкан ютуқларга эришгани ва эришаётганини ўз вужудимда синаб кўришимга тўғри келди. Мутлақо давоси йўқ деб ўйлаганим

ларни кўрган кишининг баҳри дили очилади, бетоблигини ҳам эсдан чиқаради. Яна бир ҳақиқат амин бўлдимки, оппоқ халат кийган шифокорларимиз ўз соҳалари бўйича дунёнинг манаман деган мамлакатлари мутахассислари билан бемалол беллаша олади. Клиниканинг бош шифокори Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими, доцент Муродин Қодиров ана шундай жамоанинг муносиб раҳбари. Клиникадаги юксак малакали тиббий хизматдан шифохона худудини ободлаштиришгача — барча-барчасига унинг ўзи бош-қош. Биз, даволанганлар бир лаҳза бўлсин, бош шифокор-

бошладим ва қўлимга қалам олиб, ижод қилишга киришдим. Улуг бобокалонимиз, тиб илмининг султони Ибн Синонинг шифокор беморни фақат дори-дармон билан эмас, биринчи навбатда ширин сўзи билан даволаши зарурлиги ҳақидаги ўғитига шифокорларимиз амал қилаётгани мени айниқса қувонтирди. Мабодро шифокорнинг муомаласи совуқ бўлса, соғаяётган одамнинг ҳам кайфияти тушади, касаллиги ортади, ҳаётга бўлган муҳаббати сўна боради. Шукрки, мен фидойи ва меҳрибон мутахассислар қўлида шифо топдим. Рухим кўтарилди, қалбимда эзгу туйғулар уйғонди. Бу

### Миннатдорлик

## МУОЛАЖА СЕҲРИ




қанд касалининг муолажаси бизнинг шифокорлар учун у қадар катта муаммо эмаслиги қалбимга далда бўлди. Ҳаёт яна кўзимга бениҳоя гўзал бўлиб кўрина бошлади. Узоқроқ яшагим, шу бекхёс она заминга имкони борича кўпроқ хизмат қилгим келди. Бу туйғулур менда айниқса бош шифокор Саидмурод Исмомиллов, бош шифокор ўринбосари Раъно Носирова ҳамда эндокринолог Саида Пулатова билан бўлган самимий мулоқотдан кейин кучайди. Меҳрибон шифокорлар менинг онгу шууримда одам ўз соғлиғи учун ўзи мунтазам қайғуриши кераклиги, кўтаринчи руҳ ва ишонч туйғуси билан яшаши лозимлиги ҳиссини пайдо қилди. Айнан уларнинг тавсиси билан Тошкент тиббиёт академияси учинчи клиникасида даволандим.

Мустақиллик нақадар улғунмаётганлигига бу даргоҳ тиббиётида яна бир бор гувоҳ бўлдим. Академия клиникаси бамисоли Эрам боғи. Ҳаммаёқ ораста, озода. Юзлаб хил гул-

нинг ором олганини кўрмадик. Шифохонада муолажа олаётган юртдошларимиз шифокорлар Абдуқодир Қурбонов ва Илсун Зиганшиндан, айниқса, миннатдор. Ҳам дори-дармонлари билан, ҳам ширин сўзлари билан одамлар дардига малҳам бўлаётган бундай шифокорлар миллий тиббиётимиз тараққийини таъминлашда алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Биргина мисол. Шифохонага борган куним Абдуқодир Қурбонов менга қанд касалини даволаш мушкуллиги ҳақида бир оғиз ҳам гапирмади. Аксинча, узоқ умр кўришим учун тўрт нарсаси авал қилишим — асабини асраш, бадан тарбия билан шуғулланиш, парҳез қилиш ва эндокринолог кўригидан ўтиб туришим зарурлигини айтди. Ўзимча хулоса чиқардим. Шифокорнинг бемордан муайян даражада сир сақлаши ҳам муолажанинг муҳим шартларидан экан.

**Абдулғани СУЛАЙМОН**



**КЕЧА энг намунали деб топилган 11 та мактабда спорт мусобақаларига старт берилди. Ушбу лойиҳа Тошкент шаҳар вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси ҳамда Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилмоқда.**

— Маълумки, мазкур дастурда кўплаб вазифалар қаторида ўсмир ёшларни айниқса таътил пайтида мазмунли дам олишини таъминлаш белги-ланган. Шу мақсадда «Ёз-2010» дастури ишлаб чиқилди, — дейди Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Хумоюн Акбаров. — Спорт мусобақаларининг биринчи босқичи намунали мактабларда бошланди. 1 августга қадар барча мактабларни қамраган ҳолда, сўнг туманлар миқёсида шундай тадбирларни ташкил этишни режалаштирганмиз. Янги ўқув йили олдида жойларда ғолиб деб топилган ўқувчилар шаҳар босқичида иштирок этади. Эътиборли томони шундаки, мусобақалар спортнинг олти тури бўйича ташкил этилган бўлса, финал босқичи алоҳида-алоҳида бо-

лалар спорт мажмуалари негизида уюштирилади. Мақсад маълум. Спорт ёшларимизнинг бўш вақтини мазмунли ташкил

ҳаваскорлик жамоалари, таниқли санъаткорлар чиқишлари, спорт усталари билан суҳбатлар бўлиб ўтади.

Нигматуллаев. — Мактабимиз жамоаси футбол бўйича турли мусобақаларда деярли ҳар доим фахрли ўринларни эгал-

сум давомида оромгоҳларга жалб этилмаган ўқувчиларимиз қатнашди. Шу каби тадбирларни уч ой давомида ўтказишни кўзда тутмоқдамиз. Бундан ташқари, мактабга яқин маҳалла болалари учун ўндан зиёд тўғрақ ўз ишини давом эттиради.

Мактаб раҳбари таъкидлаб ўтганидек, бу мусобақаларга нафақат ўқувчи ёшларни, балки уларнинг ота-оналарини ҳам жалб этиш орқали оилада соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш масаласи ҳам ўз ечимини топиши шубҳасиз. Кейинги тадбирларда оилавий мусобақаларни ҳам уюштириш белгилангани шу боисдандир.

**Паризод СУЙОНОВА,**  
**Дилсўз ХУСАНОВА,**  
**ЎзЖДТУ ва ЎЗМУ журналистика факультети талабалари.**  
**СУРАТЛАРДА: Чилонзор туманидаги 168-мактабда ўтказилган «Ёз-2010» мусобақаларидан лавҳалар**  
Тимур Зиядинов олган суратлар

Ёз-2010

## ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

этишда энг яхши имкониятдир. Қолаверса, бундай тадбирлар давомида иқтидор соҳибларини ҳам аниқлаб, уларга аниқ бир спорт билан шуғулланиши учун зарур шaroит яратиб бериш ҳам асосий вазифамизга киради. Шунга ҳам айтайти ўтмоқчиманки, фарзандларимизнинг тақдирларидан келиб чиққан ҳолда, мусобақаларнинг барча босқичларини ўтказиш мобайнида бадий

Учтепа туманидаги 193-мактабда ҳам «Ёз-2010» мусобақаси тантана билан бошланди. Тадбир бошида мактаб ўқувчилари ҳамда 490-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди. Сўнг беллашуларга старт берилди.


— Мен ёшлигимдан футболга жуда қизиқман, — деди 6-синф ўқувчиси Хурматилла

лаб келаётир. Жамоамиз учун 2010 йил омадли келди. Мактаблараро беллашуларнинг шаҳар босқичига йўллангани кўлга киритдик.

— Мактабимиз қизлар жамоаси ҳам кўл тўпи ва баскетбол бўйича туман ва шаҳар турнирларида биринчи ўринга сазовор бўлган, — деди мактаб директори Гулчеҳра Назарова. — Бевоқоф айти пайтдаги мусобақага келсак, асосан ёзги мав-

## Спорт янгиликлари

**Пойтахтимизда шарқ яккакурашларининг махсус техникасига бағишланган учинчи халқаро турнир бўлиб ўтди. Кураш куч билан предметни синдириш, эркаклар ва аёллар учун шарқ яккакурашларининг махсус техникаси ҳамда эркин дастур бўйича олиб борилди.**



## ШАРҚ ЯККАКУРАШИ УСТАЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Қизиқарли мусобақаларда шарқ яккакурашлари ва жанговар санъатларни ривожлантириш маркази аъзолари бўлмиш муайтай, шотокан каратэ, таэквандо ITF ассоциациялари, ўзбек жанг санъати, ушу, фудикан каратэ, кикбоксинг, ханкидо федерациялари қатори Россия, Тожикистон, Туркменистон ва Сурия вакиллари ҳам қатнашди.

Турнирда деярли барча совринли

ўринларни юртдошларимиз эгаллади. Эркаклар ўртасида шарқ яккакурашларининг махсус техникаси йўналишида ITF миллий таэквандо ассоциацияси вакили Дмитрий Ким ғолиб чиққан бўлса, аёллар ўртасида шундай мусобақаларда шоҳсуна ўзбек жанг санъати федерациясидан Алевтина Кимга насиб этди.

Куч билан предметни синдириш баҳсида Ўзбекистон шо-

токан каратэ ассоциацияси вакили Шерзод Тошмуродовга тенг келадиغانлар топилмади. Ушбу йўналиш бўйича учинчи ўринга ҳамюртимиз Иброҳим Ойназаров сазовор бўлди.

Эркин дастур бўйича биринчи ўринга WTF таэквандо Марказий Осиё уюшмаси аъзоси Шерзод Қудратов эришди.

Барча натижалар сарҳисобига кўра умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин ITF та-

эквандо миллий ассоциациясига насиб этган бўлса, кейинги ўринларни WTF таэквандо Марказий Осиё уюшмаси ва ўзбек жанг санъати федерацияси жамоалари эгаллади. Ўзбекистон ушу федерацияси ишқибозлар меҳрини қозонганлиги учун махсус сазовор бўлди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**  
**Козим Ўлмасов**  
олган сурат

## АШХОБОДДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

**Туркменистоннинг Ашхобод шаҳрида каратэ-до бўйича уюштирилган Осиё чемпионати мамлакатимиз спортчиларига омад келтирди.**

Қитъамизнинг энг кучли спортчилари иштирок этган мурасосиз, қизиқарли баҳслар якунида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан ўн бир нафари ғолиблар қаторидан ўрин эгаллади. Жумладан, Зайниддин

Норбўтаев, Толиб Тоиров, Салоҳиддин Хўжақулов қитъа чемпиони деб эътироф этилган бўлишса, Жавлон Баҳриддинов, Бобур Аҳмедовларга кумуш медаллар насиб этди. Шунингдек, ҳамюртларимиздан Санъат

Тўйбоев, Шоҳимардон Қўлдошев, Холниса Ҳамроева, Нигора Қувондиқова, Ибод Очилов ва Адҳам Нарзуллаевлар Осиё чемпионатининг бронза медаллари билан тақдирланишди.

Энди каратэ-до бўйича Ўзбекистон терма жамоаси жорий йилнинг июль ойида Туркияда ўтадиган Европа чемпионатида, август ойида Бразилияда уюштирилган жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

**Ақбар ЙЎЛДОШЕВ**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидега ўтказилган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда, 2009 йил 13 апрелдаги 5-2/1161-сонли ижро ҳужжатида асосан, 48238-сонли ҳарбий қисмининг боҳона омборида сақланаётган:** 1. «Мерседес Бенц-609» русумли, д/р 10AS994 бўлган, 2000 йилда и/ч тез ёрдам автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 15 417 317 сўм. 2. «Мерседес Бенц-609» ДКА русумли, д/р 10AW154 бўлган, 1990 йилда и/ч тез ёрдам автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 007 732 сўм. 3. «Мерседес Бенц-609» ДКА русумли, д/р 10AW725 бўлган, 1991 йилда и/ч, тез ёрдам автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 775 309 сўм. — **Ҳамза т, Мўйноқ кўчаси 241-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:** 4. 07.10.09й. ЖСК-1-395-сонли ижро варақасига асосан «Камаз-5320» русумли, д/р 17M5325 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси Бошланғич баҳоси — 22 339 800 сўм. 5. 24.08.09й. ЖСК-1-523 сонли ижро варақасига асосан «Матиз» русумли, д/р 30L7191 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 819 272 сўм. 6. 05.10.2009й, №1-364/09-сонли ижро варақасига асосан, «BA3-21033» русумли, д/р 10K8614 бўлган, 1981 йилда и/ч, автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 247 074 сўм. 7. 31.07.07й, №ЖСК-439/07 сонли ижро варақасига асосан «Дамас» русумли, д/р 10AV821 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси Бошланғич баҳоси — 6 678 104 сўм. 8. 31.07.07й, №ЖСК-439/07-сонли ижро варақасига асосан, BA3-21061» русумли, д/р 11X5785 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 598 866 сўм. 9. 25.02.08й, №ЖСК-503/08-сонли ижро варақасига асосан, Мерседес Бенц-190» русумли, д/р 10X6212 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 9 937 292 сўм. 10. 25.02.08й, №ЖСК-503/08-сонли ижро варақасига асосан, «BA3-11183-110-20» русумли, д/р 30T0344 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 175 868 сўм. 11. 14.05.2008 й, 197/8-сонли ижро варақасига асосан, «Москвич-412» русумли, д/р 10J4722 бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 080 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 6 июль кунни соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган мол-мулклар билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тулашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. [www.rkmb.uz](http://www.rkmb.uz). Лицензия: DB 001 №000004.



**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**

**Манзилмиз: 100029,**  
**Тошкент шаҳри,**  
**Матбуотчилар кўчаси, 32**

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.  
*Душанба, сешанба, chorshanba, пайshanba*  
*ва жума кунлари чиқади.*  
**Нашр кўрсаткичи — 563**

ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар**  
**Матбуот ва ахборот**  
**бошқармасида 02-1-рақам**  
**билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
3617 тиража босилади.  
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

123 5